



Ислом Нури

«...» (Имом Бухорий ривояти)

Ҳориса ибн Ваҳб Хузойй розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Сизларга жаннат аҳлининг хабарини берайинми?! Улар заиф, камсуқум инсонлар бўлиб, агар Аллоҳ номига қасам ичсалар, уни Аллоҳ албатта оқлайди. Сизларга дўзах аҳлининг хабарини берайинми?! Улар дили қаттиқ, манман ва мутакаббир кимсалардир» (Имом Бухорий ривояти).

«...» (Имом Бухорий ривояти)

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Дўзах аҳлидан икки тури борки, мен ҳали уларни кўрмадим: Биринчиси: қўлларида сигир думига ўхшаш қамчилари билан одамларни уриб юрадиган кимсалар. Иккинчиси: кийиниб олган, лекин яланғоч, (бошқаларни ҳам) йўлдан оздирувчи, ўзлари ҳам (ҳақдан) оғган ҳамда бошлари(даги сочлари)ни туянинг (бир тарафга) мойил бўлган ўрқачлари сингари дўппайтириб олган аёллардир. Улар жаннатга кира олмайдилар, унинг ҳидини ҳам топа олмайдилар. Ваҳоланки, жаннатнинг ҳиди фалон масофадан келиб туради» (Имом Муслим ривояти).

«...» (Имом Муслим ривояти)



Ислom Нури

«...»

Усома ибн Зайд розияллоху анхумодан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитдим: «Қиёмат куни бир кишини олиб келиниб, дўзахга улоқтирилади. Шунда қорнидан ичак-чавоғи чиқиб кетиб, унинг атрофида тегирмон айлантираётган эшакдек айланиб юради. Жаҳаннам аҳли унга йиғилиб келиб: «Эй фалончи, сизга нима бўлди, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариб юрган эмасмидингиз ахир?», дейишади. «Ҳа, яхшиликка буюрардим-у, ўзим қилмас эдим, ёмонликдан қайтарар эдим-у, ўзим қилаверар эдим», дейди (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Аллоҳ таоло ва Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам дўзах аҳлининг белгилари ва хулқ-атворлари ҳақида сиз билан биз улардан эҳтиёт бўлишимиз ва улар билан сифатланиб қолишдан сақланишимиз учун хабар берганлар.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

- 1. Кибр ва туғёнга берилиш, дунё ҳаётини охирадан афзал кўриш дўзах аҳлининг белгиларидан;



2. Зулм ва одамларга зўравонлик қилиш дўзах аҳлининг белгиларидан;
3. Очиқ-сочиқ юриш дўзах аҳлидан бўлган аёлларнинг белгиларидан;
4. Риё ва мунофиқлик билан амри маъруф ва наҳий мункар қилиш дўзах аҳлининг белгиларидан.